



**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун
ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Гала Осиё иш – 2022 йил . . .

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

Танлов иштирокчиси учун йўриқнома

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Танлов предмети Бухоро вилоят Бухоро ТЙФУКга қарашли объектларга хом-ашё ташиш хизмати

Материал номи: Кум шағал аралашмаси (ҚША)

Юк миқдори (тонна) : 500

Масофа (км) : 52 км

Товар сони (тн/км): 26 000 тн/км

Тн/км бошланғич баҳоси (ҚҚС билан) : 836,05 сўм

Жами бошланғич сумма : 21 737 300 сўм

- 1.2. Бошланғич сумма: ҚҚС билан 21 737 300 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинади.
Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил ноябрь ойига қадар.
- 1.5. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 2.1. **Бухоро ТЙФУК** (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.
“Буюртмачи” манзили: Бухоро вилояти Бухоро туман Гала Осиё шаҳарчаси Зарафшон 9-үй.
Эл.адрес: mr.sk444@mail.ru
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.3. Танлов Бухоро ТЙФУК “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловга иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- Иш тажрибаси: Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувохнома ва устав нусхалари;
 - Техник база: Танловда иштирок этиш учун иштирокчи техник базага эга эканлиги ва техникалар хужжатларини (тех.паспорт нусхаларини) тақдим қилиши керак. Ижара шартнома асосидаги техникалар учун шартнома нусхалари илова қилиниши керак;
 - Кафолат хати: Танлов иштирокчиси курсатилган муддатга ишларни бажаришга кафолат хати (ёзма равишда сканер қилинган ҳолда) тақдим қилиши керак;
 - Экспертиза хулосаси: Танлов иштирокчиси хизматлар учун Экспертиза хулосасини тақдим қилиши керак;
- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаш зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.
- 3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараённида иштирок этиш руҳсат берилмайди:
- Қайта ташкил этиш (ажратилиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
 - Мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

- 4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида (xarid.uzex.uz) порталга электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.
 - 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.3. Танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим қилиниши лозим:
- Техник қисм: “Буюртмачи” томонидан қўйидаги техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
 - Нархлар қисми: Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўлов талаблари ва якуний тўловлар ҳамда бошқа кўрсатгичлар кўрсатилган бўлиши керак.
- 4.4. Танлов иштирокчиси: - ФАҚАТ БИРТА таклиф бериши мумкин.
- 4.5. Таклиф қилинаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларини хаққонийлигига ўзи жавобгар бўлади.
- Таклифлар бериши муддати тугагунга қадар ўз таклифини қайтариб олиши ёки ўзгартириши киритилиши ҳуқуқига эга.*

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

- 5.1.Таклифлар муддати узайтирилиши факат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.
- 5.2.Танлов муддатини узайтириш түғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталаида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1.Давлат харидлари түғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
- 6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдирлар.
- 6.3.Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва түғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилганидан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

- 7.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш түғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Танловни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш түғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.
- 7.2.Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориш шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

- 7.3.Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда, ундан олдин олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталаида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Тузди:



С.Куобонов